
ЕР ҲАЙДАСАНГ...

Марказий Фарғона муқобил машина трактор парки ҳудудидаги „Элёр-Н“ фермер хўжалигида кузги шудгорни сифатли ўтказиш ва уни муддатида яқунлашга бағишланган маслаҳат йиғини ўтказилди. Унда қишлоқ хўжалигига даҳлдор ташкилот раҳбарлари, ММТП раислари қатнашдилар. Тадбир аввалида туман ҳокими Дилшоджон Джалилов мутахассислар билан шудгор сифатини, чуқур ҳайдалишини кўздан кечирди.

Айни кунларда 20 та унумдор техника билан қунига 325-330 гектар майдон шудгор қилиняпти. 1 декабрга пахта экиладиган 4 минг 900 гектар майдонда ҳайдов яқунланади.

Туман ҳокими қунлик суратни 400 гектарга чиқариш, механизаторлар учун шароитларни яратиш, чопиқ тракторларини таъмирлашни бошлаш бўйича топшириқларни берди.

Вилоят ҳокимлигининг ишчи гуруҳи аъзолари ҳам бу ерда бўлишиб, шудгор сифатини кўришиб, топшириқларни етказишди. Халқимизда „Ер ҳайдасанг, куз ҳайда, куз ҳайдамасанг, юз ҳайда“, деб бежиз айтилмаган.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2022-11-29 15:09:27